

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ABLVA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN OTKAZILISH
RO'YXAT RAQAMI: 2904-1
2019 YIL 16 AUGUST



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**Ўзбекистон Республикаси божхона худудида автомобиль ва темир йўл транспорт
воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк
бўлимларига маҳсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига
қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон қарори (рўйхат рақами 2904, 2017 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона худудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига маҳсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. Азимов

Тошкент ш.,
2019 йил 15 07
01-02/12-45-сон



Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг
2019 йил 15 июлдаги
01-02/12-45-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт
воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк
бўлимларига маҳсус божхона пломбалари кўйиш тўғрисидаги
қоидаларига киритилаётган қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбоиси “фойдаланиладиган” деган сўздан кейин “, шунингдек транспорт воситаларини бошқариш ва назорат қилишнинг онлайн механизмини назарда тутадиган навигацион” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 4-бандда:

куйидаги мазмундаги бешинчи – саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“халқаро шартномаларга мувофиқ, божхона идентификациялаш воситалари сифатида тан олинган хорижий давлатларнинг божхона хизматлари томонидан транспорт воситалари, товарлар ва почта жўнатмаларига кўйилган божхона пломбалари, муҳр, штамп излари ва расмий белгилар, шунингдек транспорт, экспедиторлик ташкилотлари томонидан транспорт воситаларига кўйилган пломба, муҳр ҳамда расмий белгилар мавжуд бўлган ҳолларда;

жўнатувчи божхона постларида хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизими кўлланилган ҳолларда, агар транспорт воситаси ва унинг юк бўлимида божхона қонун хужжатлари бузилиши хавфининг белгилари аниқланмаган ҳолатларда (транзит товарлар ортилган транспорт воситалари ҳамда халқаро хужжатларда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

товар сифатидаги автотранспорт ташишда фойдаланиладиган транспорт воситасига;

чегара божхона постлари худудларига туташ жойларда жойлашган божхона терминалларига юбориладиган автотранспорт воситаларига;”;

бешинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

